

Капитал қўйилмалар ҳисобини стандартлар асосида юритиш

Яхшиев А.Р.- ҚМШИ, магисрант

Бозор шароитида бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаси корхона бошқарув тизимини маълумот билан таъминлаш ҳисобланади.

Республикамизда капитал қўйилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти, муҳим ўрни улар ҳисобини янги талаблар асосида ташкил этиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Инвестициялар жараёнида капитал қўйилмаларнинг ўрнини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурияти тадқиқ этилаётган объектнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “инвестиция соҳаси мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, барқарорлигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг жадал ўсиши, бўлғуси юксалишнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади”¹.

Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, “инвестициялар - иқтисодий ёки бошқа фаолият объектларига сарфланадиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлардан иборат”.

Инвестицияларнинг моҳияти тўғрисидаги замонавий қарашларни шарҳлаш, таққослаш ва танқидий баҳолаш микро ва макро иқтисодий даража учун улар мазмунидаги сезиларли фарқларни аниқлаш имконини берди.

Капитал қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизимида фақатгина бошқарув объектлари ҳақида маълумот бериш манбаи бўлиб қолмасдан балки унинг ҳолати устидан тезкор равишда назорат қилиш воситаси ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ривожланган мамлакатлардаги каби молиявий ва бошқарув ҳисобларига бўлган ҳолда ташкил қилиш тартибини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича қатор амалий ишлар қилинди. Навбатдаги муаммо, капитал қўйилмалар

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1998 йил якунлари ва 1999 йилда иқтисодиётнинг устувор йўналишлари. //Халқ сўзи. 1999 йил 17 феврал.

бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ички ва ташқи фойдаланувчилар учун счётлар режасини ишлаб чиқиш, капитал қўйилмалар ҳисобини ташкилий асослари ва услубиётини, харажатларининг келиб чиқиш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича таҳлил ва назорат қилиниши ресурслардан фойдаланишда меъёрлардан четга чиқишлар каби вазиятлар эътиборга олинниши керак.

Бунинг учун аввало, молиявий ва бошқарув ҳисобини объектини ва вазифаларини аниқлаб олиш зарур. О.Бобожонов, К.Жуманиёзовларнинг фикрича, «Молиявий ҳисоб ташкилот» молиявий тарихини акс эттиради.

Бухгалтерия ўтказмалари хўжалик муомалалари содир бўлиб ўтгандан кейин берилади. Гарчи молиявий ҳисоботнинг маълумотлари режалаштириш учун асос қилишиб олишса ҳам, улар ўз табиатларига кўра тарихий хусусиятга эгадир. Бошқарув ҳисоби эса тарихий хусусиятга эга бўлган ахборот билан биргаликда келажакни баҳолаш ва режалаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Бизнингча капитал қўйилма бошқарув ҳисобини объекти сифатида ўрганилиши керак. Чунки, молиявий ҳисоб асосан қийматликларни ҳисобга олади, капитал қўйилма эса келгусида иқтисодий фойда келтирувчи қийматлик шаклига келтирилмаган активни яратиш учун сарфланган харажатлардан иборатдир. Иккинчидан капитал қўйилмал тугалланмаган жараён эканлигини инобатга олганимизда бу харажатлар молиявий ҳисобни эмас бошқарув ҳисобининг объекти сифатида қаралишини тақозо қилади.

Хулоса қилиб айтганда қаердаки ҳисоб объекти тўғри белгилаб олинса, ўша жойда таҳлил ва назорат аниқ ҳам талаб даражасида бўлади ҳамда ҳисобни таҳлилий ва назорат хусусияти ортади.